

Спортни сев, спорт билан яша!



Бугунги кунда ёшларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумаладан ёшлар ўртасида турли мусобақа ва кўчма кубоклар ташкил этилиб, унда асосан маҳаллалардаги уюлмаган ёшлар қамраб олинмоқда.

Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси тумандаги Болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўйингоғида ташкил этилди. Маҳаллалардаги уюлмаган ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Мусобақалар туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими ва туман Халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилиб, ғолибларга диплом ва совғалар тантанали топширилди.